# МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
# «ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзили: 180100 Кашкадарё вилояти, Карши шахри, Шибаев кучаси, 1-уй 15-хонадон. тел.(199891) 640 45 64; 91-462 41 58.
Аудиторлик фаолияти буйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 йилдаги № 00774 ракамли лицензига эга.
Х/р 22080009040162711001 ЎзСҚБ Кашкадарё минтакавий филиали МФО 00854 ОКЭД 69202


## Ижобий фикр билдирилган
## АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

*Буюртмачи:* *"Don-Xalq Rizqi" АЖ х/р* 20210000300205864001
*АТБ "Агробанк" Шахрисабз филиали МФО 00176 СТИР: 200672805*
*ОКЭД 10610*
*Манзили:* *Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шахри, Беруний кучаси, 111-уй*

Мен, МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Кашкадарё вилояти Карши шахри Шибаев кучаси 1-уй 15-хонадонда жойлашган, СТИР 203869896, ОКЭД коди 69202, хисоб раками 20208000904162711001 «Узсаноатқурилишбанк» Кашкадарё минтакавий филиали Карши шахри МФО 00854) аудитори Хужақулов Азамат Уралович (аудитор малака сертификатига № 05590 берилган санаси 07.02.2019 й.) хўжалик юритувчи субъект **"DON-XALQ RIZQI" АЖ**нинг «Бухгалтерия баланси» 1-шакл, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" 2-шакл), «Пул окимлари» тўғрисидаги ҳисобот 4-шакл, "Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот" 5-шаклдан иборат 2021 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини **мажбурий** тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофик молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"DON-XALQ RIZQI" АЖ** нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиклиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **"DON-XALQ RIZQI" АЖ** нинг 2021 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофик келади.

**Аудиторлик ташкилоти директори,**
**аудитор:** **А. У. Хужакулов**

21-февраль,2022 йил